*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
**12 январь**
ШАНБА
**№ 3** (13160)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган



**Қуролли Кучларимизда жанговар руҳни юксалтириш, аскар ва офицерларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтиришимиз керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" шиори остида давра суҳбати ўтказилди.*

❑ 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## БУРЧГА САДОҚАТ, ЮРТГА МУҲАББАТ САБОҚЛАРИ

Тадбирда фахрий меҳмонлар, "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви аъзолари ва ходимлари, шунингдек, билим юрти офицерлари ва курсантлари, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

2





❑ Танлов

*Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Ихтирочи аёллар" маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" II Республика танловининг вилоят босқичи доирасида кўргазма ташкил этилди.*

## ЮЗТА ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА



Кўргазмада 25 нафар хотин-қиз ўзларининг энг яхши илмий-тадқиқот ва ишланмалари тақдимотини етакчи эксперт ва мутахассислар ҳузурида намойиш этиб, ихтироларининг ўзига хослиги, ноёб жиҳатлари ва келгусидаги истиқболи хусусида маълумот беришди.

– Очиғи, вилоятимизда шунақа истеъдодли аёллар борлигидан қувондим, – дейди вилоят ҳудудий экспертлар кенгаши раиси Гулистон Абдалова. – Барча инновацион лойиҳалар таҳсинга лойиқ. Лекин, танлов ўз номи билан танлов-да. Шунинг учун иштирокчиларнинг фақат 10 нафаригина Республика босқичига йўлланма олишди.

– Пайвандтагларни "in vitro" усулида кўпайтириш ва микропайвандлаш технологияси билан 10 дан ортиқ пайвандтаг ва кўчатлар етиштираман, – дейди Тошкент туманилик "Энг самарали инновацион лойиҳа" номинацияси ғолибаси Саломат Абдураҳмонова. – Биласизми, бу усул қисқа муддатда минглаб янги пайвандтаглар тайёрлаш ва мавсум ҳамда об-ҳаво шароитига қарамай, исталган вақтда кўчат етиштиришда жуда самарали ҳисобланади.

Мазкур кўргазма фармацевтика, таълим, тиббиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, инклюзив таълим, тадбиркорлик, физика, кимё ва бошқа йўналишлар бўйича турли ишланмалар, изланиш ва тадқиқотларга бойлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

## АЙРИТОМГА СУВ КЕЛДИ

**Бугунги кунда Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар шамоли мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига ҳам етиб бормоқда. Буни Оҳангарон туманидаги тоғ ёнбағрида жойлашган табиати мусаффо, мўъжазгина Айритом қишлоғи мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур ҳудуддаги аҳоли узоқ йиллардан бери ичимлик суви муаммосидан азият чекарди. Туман ҳокимлигининг кўмаги билан бугун бу масала ўзининг ижобий ечимини топди.**



❑ Хушхабар

– Қишлоғимизда мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла фаоли Абдуқодир Жумақулов. – Олдинлари сувни 5 чақирим узоқликдан олиб келар эдик. Қишнинг қаҳратони ва ёзнинг жазирама кунларида бу юмуш янада қийинлашарди. Қишлоғимизга ичимлик суви келганидан жуда хурсанд бўлдик. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Ичимлик суви замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда 3 км. масофадан қувур орқали тортиб келинди. Қазиш, қувурни жойлаштириш ишлари "Бунёдкор қурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди.

Шу куни туман ҳокими Ўктам Турсунов аҳолининг қувончига



шерик бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашди. Яқин кунларда ичимлик суви қувурлари яна икки километрга узайтирилишини таъкидлади.

Шунингдек, айритомликлар мактаб ва тиббий хизматдан фойдаланишдаги мавжуд муаммолар билан ҳам мурожаат қилишди. Ҳоким мурожаатларни диққат билан тинглаб, камчиликларни ҳал қилиш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

**Ўз мухбиримиз**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **"Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!"** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

Давоми 2-бетда

## ДАСТУР 104 ФОИЗГА БАЖАРИЛДИ, БИРОҚ...

*Ангрен шаҳрида 2018 йилда 1 минг 278 та иш ўрни яратилиб, аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури 4 фоиз ортиғи билан бажарилган. Аммо, шаҳарда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган вазифаларнинг 65 фоизи бажарилмаган. Кўп қаватли уйларни таъмирлаш учун кредит ҳисобида ажратилиши белгиланган 9 миллиард 224 миллион сўмдан 51 фоизи молиялаштирилган, холос.*

❑ Маҳаллий кенгашларда





Бу – ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳарда 2018 йил ноябрь-декабрь ойларида олиб борилган ўрганишлар натижасида аниқланди.

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида ишчи гуруҳ томонидан аниқланган муаммолар ва уларни бартараф этиш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят ва Ангрен шаҳар Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сектор раҳбарлари, фаоллар иштирок этган сессияда шаҳарни комплекс ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида мунозара юритилди.

Республика ишчи гуруҳи шаҳарнинг реал ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан яқиндан танишиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда, хонадонларда бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди. Таълим, маданият, спорт, тиббиёт, бандлик, коммунал, экология соҳалари, "Обод маҳалла" дастури, куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг реал ҳолати ўрганилди. Ўрганишлар натижасида 20 минг 400 дан ортиқ муаммо аниқланиб, уларнинг қарийб 800 таси жойида бартараф этилди.

Шунингдек, шаҳарда 656 та бўш бино, қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ер майдонлари мавжудлиги аниқланган.

Сессияда аниқланган муаммоларга тўлиқ барҳам бериш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ижросини назорат қилиш юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

2. **"Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати"** деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **"шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият"** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

4. Қуйидагилар:

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча ҳуқуқий маълумотлар (юридик луғат, ҳуқуқий адабиётлар электрон майдончаси, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш;

аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш;

умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламини янада кенгайтириш;

аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хонадонларга бепул тарқатиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида "Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўргазмали тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмини жорий этсин, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

2019 йил 1 мартга қадар ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилсин;

ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда таълим муассасаларида турли ҳуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин;

2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилишини тўлиқ якунласин;

уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

доимий равишда энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган масалаларни белгилаб, аниқ дастурлар асосида улар бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширсин, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш борасида аҳоли турли қатламларининг фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб борсин;

икки ой муддатда ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли равишда амалга ошириладиган "Ҳуқуқий ахборот куни" лойиҳасини жорий этсин;

бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқсин;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиб борсин;

зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, хорижий экспертларни Концепция ва "Йўл харитаси"ни самарали амалга оширишда иштирок этишга, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилишга ва натижаси бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашга кенг жалб қилсин;

Концепция ва "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

Концепция ва "Йўл харитаси"ни амалга ошириш жараёнининг самарали мувофиқлаштирилиши ва мониторинги, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига доимий равишда ахборот бериб борсин;

икки ой муддатда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб борсин.

15. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмасини бериши мумкин.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган ҳуқуқий-маърифий тадбирларни амалга оширишга қаратилган маблағларни ўзларининг харажатлар сметасида назарда тутиб борсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳиятини ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича кенг тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 январь

Бошланиши 1-бетда

# БУРЧГА САДОҚАТ, ЮРТГА МУҲАББАТ САБОҚЛАРИ

Учрашувда сўзга чиққанлар Миллий армиямиз ҳарбий хизматчилар ва ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги учун хизмат қилувчи бекиёс кучга айланиб бораётганини таъкидлашди. Шунингдек, Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида тилга олинган мудофаа тизимидаги айрим камчиликлар муҳокама қилиниб, Миллий армиямизни ислоҳ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилингани ҳамда бу жараён аллақачон бошлаб юборилганини айтиб ўтишди.

– Дарҳақиқат, ҳарбий соҳада самарали ислоҳотлар олиб борилаяпти, – дейди Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи, полковник Мухитдин Байбусов. – Бу борада янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринаси муҳим роль ўйнайди, албатта. Айтиш керакки, ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этиб, унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган икки йил мобайнида мамлакатимиз Қуролли Кучлари бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилиб, Миллий гвардия барпо этилди. Армияни янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳуррият Исроилова ўз ижод намуналари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият улашишди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, курсантлар шўхчан қўшиқларга рақс тушишди.



Шундан сўнг ҳарбий қисм ҳудудида илк маротаба аутсорсинг тизимида "Курсантлар чойхонаси"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Расмий қизил лентани кесишда фахрий меҳмон, генерал-полковник Р. Аҳмедов ҳам иштирок этиб, ёш курсантларга бир вақтлар ўзи ҳам шу билим юртида таълим олгани, ҳарбий хизмат ўша вақтлар жуда оғир кечгани, лекин Ватанга бўлган садоқат туфайли барча қийинчиликларни енгиб ўтишганини сўзлаб берди.

Маросим сўнгида меҳмонларга байрам дастурхони ёзилди.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ*
*олган суратлар*

Бошланиши 1-бетда

# КИТОБХОН АСКАР — БИЛИМДОН АСКАР

*Ангрен шаҳридаги "Дукент" маданият ва аҳоли дам олиш марказида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Ватан азиз – бурч муқаддас!" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

Ватанпарварлик ойлиги

Унда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси мутасаддилари, ҳарбий қисм хизматчилари ва аскарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва ҳарбий хизматчиларга муносиб турмуш шароити яратиш борасидаги изчил чора-тадбирлар натижасида ҳарбий салоҳиятимиз тубдан юксалди. Энг муҳими, ёшлар орасида Миллий армиямиз билан фахрланиш ҳамда юрт тинчлиги учун дахлдорлик ҳисси кучайди.

Тадбирда сўз олганлар йиғилганларни байрам билан қутлаб, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашда Миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, тадбирда Ватанпарварлик ойлиги доирасида ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган "Китобхон аскар – билимдон аскар" кўрик-танлови ғолибларига махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



– Болалигимдан аскар бўлишни орзу қилганман, – дейди танлов ғолиби Нодирбек Ҳасанбоев. – Дадам доим ҳарбий хизматчи билимли бўлиши, бунинг учун кўп китоб ўқиш кераклигини айтардилар. Шундан бери китобга ўзгача меҳр қўйганман. Мана, орзуим амалга ошиб, ҳарбий хизматга келдим. Қисмимизда биз, аскарлар учун барча шароитлар яратилган. Ҳарбий машғулотлардан бўш вақтимизни кутубхонада ўтказамиз. Мазкур танлов аскарлар орасида китобхонлик маданиятини кучайтириши билан аҳамиятлидир.

Шу куни таниқли хонандалар ва ёшлар ижросида Ватан, тинчлик ва ҳурликни мадҳ этувчи қўшиқлар янграли. Ҳарбийлар томонидан саф тайёргарлиги ва жанг санъати усуллари намойиш этилди.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ*
*олган сурат*

## Аскар мактублари

### СИЗДАН МИННАТДОРМАН, ОНАЖОН!

Ассалому алайкум, онажон!

Яхши юрибсизми, соғлиқларингиз жойидами? Дадам, укаларим, синглим яхшими? Бугун байрам баҳонасида яна сизга хат ёзгим, чин дилдан миннатдорлик изҳор этгим келди. Аслида бу – ота-оналаримизнинг ҳам байрамидир. Чунки, бизни улғайтириб, ҳаётда тўғри йўлни кўрсатиб, ўқитиб, Ватанни севишни, уни ардоқлашни ўргатганингиз учун аскар деган шарафли номга эришдик.

Онажон! Ҳарбий хизматда жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ватан муқаддаслигини, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч эканини хизматим давомида тўлиқ англаб етаяпман. Ўзим туғилиб ўсган юртим, Чирчиқ шаҳрим, жонажон маҳаллам кўчалари, ҳаттоки, бир туп дарахтигача муқаддас эканини, уни асраб-авайлаш лозимлигини тушундим.

Сизни жуда соғиндим, онажон. Эрталаб бошимни силаб, дуо билан кузатишингиз, кечқурунлари келгунимча эшикка термулиб ўтиришингиз, айниқса, ўз қўлларингиз билан беҳи солиб дамлаган паловни, тандирда ёпадиган қовоқ сомсангизни роса соғиндим.

Айтганча, Сизга бир хушхабар етказмоқчиман. Муддатли ҳарбий хизматим давомида икки бор фахрий ёрлиқ билан тақдирландим. Насиб қилса, яна кўп ютуқларни қўлга киритаман, албатта, сизнинг дуоларингиз билан.

Онажон! Бахтимизга соғ-омон бўлинг. Яна бир бор байрам муборак бўлсин! Сизни соғиниб, ўпиб қолувчи ўғлингиз:

**оддий аскар Қобилжон БЕРДИЕВ**

### САФИМИЗГА ҚЎШИЛ, ДЎСТИМ!

Салом, Жамшид!

Яхши юрибсанми, синфдошлар, маҳалладаги болалар соғ-омонми?

Мен яхшиман. Ҳарбий хизматга келиб, жуда тўғри иш қилган эканман. Очиғи, бошида қийналдим. Уйдан, яқинларимдан узоқда кўникишим осон бўлмади. Биласанку, ойим еру кўкка ишонмасдилар, жуда аярдилар. Бу ерда спорт билан шуғулланаяпман, ҳарбий машғулотларда чиниқаяпман. Бўйим роса ўсди, ўзим ҳам бақувватлашдим. Кўрсанг, танимайсан.

Яқинда укам билан телефонда гаплашгандим. Бекор юрган эканасан. Жамшид, сен менинг энг яқин дўстимсан. Ўшанда мен билан ҳарбий хизматга келавермадинг-да. Ҳечқиси йўқ, ҳали ҳам кеч эмас, сен ҳам сафимизга қўшил, дўстим.

Ҳарбий қисмимизда шароитлар жуда зўр. Сенга ҳам ёқади. Ахир, биз қишлоғимизнинг шер йигитлари эдик-ку?! Энди Ватанимизни ҳам бирга ҳимоя қилайлик. Келасан-а, ўртоқ.

Сени соғинган дўстинг:

**оддий аскар Санжар АҲМЕДОВ**

❑ Она юрт манзиллари

# «МИЛЛИЙ БОҒ»НИНГ МАНГУ ЛАТОФАТИ

**Пурвиқор Ғарбий Тянь-Шань тоғлари бағридаги ям-яшил боғроғлар, шарқироқ сой ва шаршаралар, бетимсол табиат ёдгорликлари 2016 йилда ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.**



"Угом-Чотқол" Давлат миллий табиат боғи буларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган. Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида жойлашган Миллий боғнинг майдони 574,6 минг гектарга тенг. Бу ерда 230 га яқин ҳайвонот, 1 минг 800 га яқин ўсимлик турлари мавжуд. Уларнинг бир қисми "Қизил китоб"га киритилган. Чотқол биосфера қўриқхонаси, қатор ўрмон ҳамда ов хўжаликлари ушбу маскан таркибидадир.

Айниқса, воҳанинг экотуризм салоҳияти ўта юқори. Улкан тоғ тизмалари, қирадирлар, кўл ва сойлар, ноёб ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси ҳеч бир табиат шайдосини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Тошкент шаҳридан Бўстонлиқ туманининг юқори Пском қишлоғи томон кўтарилиб борилса, атрофи оламнинг ўзига хос иқлими, такрорланмас гўзал табиати, сойлар ва табиий кўллар алоҳида ажралиб туради. Шулардан бири, Ўрунгоч кўлидир. У Тошкентдан тахминан 150-155 километр узоқликда, Угом тоғ тизмасидаги Ўрунгочсойнинг юқори қисмида, денгиз сатҳидан 1500-1550 метр баландликда жойлашган. Кўлга иккита сой ирмоғи келиб қўшилади. Унинг узунлиги 660 метр, эни 182 метр, чуқурлиги ўртача 15 метрни ташкил этади. Кичик кўлнинг узунлиги эса 75 метрга, эни 20 метрга, чуқурлиги эса 6 метрга тенг. Суви Пском дарёсига келиб қўшилади.

Йилнинг тўрт фасли давомида кўл суви ўзининг тиниқлигини йўқотмайди. Янаям ажабланарлиси шундаки, бошқа кўллардан фарқли ўлароқ, сув сатҳи йил давомида бир маромда туради. Бунинг сабабини ҳануз ҳеч ким тушунтириб беролмаган. Ҳудуддаги бошқа табиий кўллар ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бу ерларда ҳавонинг кислородга тўйимлилик даражаси Кисловодск шаҳридаги оромгоҳларга нисбатан 11 фоиз юқори эканлигини, Чорвоқ сув омборига келиб қўшиладиган барча дарёларнинг, айниқса, Угом дарёси сувининг таркибида инсон саломатлиги учун муҳим саналган гидрокарбонатли кальций ва минералларнинг кўплигини тадқиқотчи олимлар бот-бот таъкидлаб келадилар.

Бир неча йилдирки, ёзнинг жазирама кунларида Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулла қишлоғи яқинидаги Янгиқўрғонсойда чодирлардан иборат шаҳарча ташкил этилмоқда. Бу ерга келиб-кетувчи сайёҳ ва дам олувчиларнинг кети узилмаяпти. Ҳар йили бу ерда мингдан ортиқ одам ҳордиқ чиқаради. "Чодирлар шаҳарчаси" тоғлар бағрида, сўлим табиат қўйнида жойлашган. Ён-атрофдаги виқорли тоғлар, паст-текисликдаги боғ ва дарахтзорлар, шошқалоқ сойлар, мусаффо ҳаво сайёҳларни дарҳол ўзига мафтун қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, "Угом-Чотқол" Давлат миллий табиат боғи томонидан ташкил этилган масканда дам олувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, чўмилиш ҳавзалари кўпайтирилди ва кенгайтирилди, қўшимча тапчанлар ўрнатилди, овқатланиш, савдо, фото, отда сайр каби хизмат турлари такомиллаштирилди.

Дарвоқе, бугун жаҳон сайёҳлик бозорида экологик туризм салмоғи 10 фоизни ташкил этмоқда. У умумий туризмга нисбатан 2,5 баробар жадал ривожланаётганлиги инобатга олинса, истиқбол янада равшанлашади.

"Угом-Чотқол" давлат миллий табиат боғи табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузувчилар билан курашиш ишларини ҳам олиб бормоқда. Хусусан, 2018 йил давомида овчилик бўйича 38 та, баликчилик бўйича 10 та, ноқонуний дарахт кесиш бўйича 412 та, сув ва ер манбаларини ифлослантириш бўйича 38 та, табиат боғи режимини бузиш бўйича 236 та – жами 734 та жисмоний ва юридик шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, ҳудудда экологик билимларни тарғиб қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш тартиби ва қоидалари бўйича ҳозирги кунда табиат боғининг янги Низоми тасдиқланиши муносабати билан ўтган йилнинг декабрь ойида Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида, Хумсон, Узун, Полвонак қишлоқларида аҳоли билан мулоқотлар ўтказилди.

Табиат боғи ҳудудида давлат нозирлари томонидан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, сувни муҳофаза қилиш, ноқонуний ов қилишнинг олдини олиш, чорва молларини рухсат этилмаган жойларда боқмаслик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш каби масалаларда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Табиатни асраб-авайлаш, нафақат табиат қўриқчиларининг, балки шу ҳудудда яшайдиган аҳоли, дам олувчилар, сайёҳлар ва барчамизнинг вазифамизга айланиши лозим.

**Ш. ВАКИЛОВ,**
**"Угом-Чотқол" давлат миллий табиат боғи мутахассиси**

# ВАТАНПАРВАРЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



*Янгийўл туманидаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ватанпарварлик маҳалладан бошланади" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари, шу ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм хизматчилари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.*

❑ Бизга ёзадилар

Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, ёшларни ҳарбий соҳага қизиқишини янада кучайтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифа экани алоҳида таъкидланди.

Учрашув давомида йиғилганларга давлат чегараси тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Шунингдек, чегарадан ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб ўтишга йўл қўймаслик, агар шундай хатти-ҳаракатлар сезилса, зудлик билан тегишли идораларга хабар бериш кераклиги айтилди.

Албатта, бундай тадбирлар армия ва халқ бирдамлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ҳусан САЙНАЗАРОВ,**
**ҳарбий қисм хизматчиси**

# «САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА»НИНГ СИРИ

*Дарсда ўтирган эдим, устозимизнинг овози кўтарилиб, кимгадир танбеҳ берди. Ёнимда ўтирган дугонам уяли алоқа воситасидан фойдаланаётган экан. Аниқроғи, у телефонига юклаб олган китобнинг мутолааси билан машғул экан. Шу ўринда савол туғилади, биз, ёшлар орасида жуда оммалашган "замонавий электрон китоб"ларнинг қандай қулайликлари бор?*



❑ Дарвоқе

Талабалар яхши билишади: ўндан зиёд китоблар сумкамизга оғирлик қилади, лекин гажетимиз хотираси учун бу ҳеч гап эмас. Электрон китоблар иловаси бизни дўконлардан керакли китобларни соатлаб излашдан халос этади. "Интернет" деган улкан дўконни сайр этамизу бир зумда арзимас мегабайтлар эвазига хоҳлаган китобимизни юклаб олаверамиз. Бу чўнтак учун ҳам анча фойда.

Шундай экан, биз учун қай бири афзал, электрон китобларми ёки босма? Бу борада дўстларим, университетимиз талабаларининг фикри билан қизиқдим.

*Мадина Сафарова, 1-босқич талабаси:* – Мен учун босма китоблар маъқул. Сабаби, электрон китобдан ўқиганларим камроқ эсимда қолади. Кўзим тез толиқади. Шунинг учун камроқ мутолаа қиламан. Босма китобдан ўн бет ўқисам, ўша вақт мобайнида электрон китобдан олти ёки етти бет ўқийман.

*Шаҳноза Фозилова:* – Босма китоблардан сўзларни тўғри ёзишни ҳам ўрганамиз. Электрон китобларда эса имло хатолар кўп, бу бизни чалғитади.

Яқин дугонам Дилдора эса доим электрон китоб мутолаа қилади. Айтишича, бу анча қулай, кечқурунлари ҳам чироқ ёқмай, ҳеч кимга халақит бермай ўқиш мумкин экан.

Барибир, босма китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Китобни электрон нусхада ўқувчилар мутолаанинг асл ҳаловатидан бебаҳра қолишади. Бекорга китобни «саккизинчи мўъжиза» дейишмайди.

**Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси**

Реклама ва эълонлар

**"CAPITAL TRUST INVEST " МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2019 йил 28 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига АТ "Халқ банки" Ангрен шаҳар филиалининг 19.12.2018 йилдаги №09-03-360-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 5/16 даҳасида жойлашган, умумий майдони 954,62 кв.м., бошланғич нархи – 1 238 670 000 сўм бўлган Ангрен Халқ банки эски биноси ҳамда 09.01.2019 йилдаги №09-03-9-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Хоразм кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган умумий майдони 87,57 кв.м., бошланғич нархи – 44 150 400 сўм бўлган касса биноси такроран қўйилмоқда.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 28 январь куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 12 ва 27 февраль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2019 йил 11 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига АТ "Халқ банки" Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар филиалининг 09.01.2019 йилдаги 09-03/02-сонли буюртманомасига асосан банк тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истиқбол кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган умумий майдони 43,25 кв.м. бўлган 7446/01-сонли шахобча, бошланғич нархи – 29 291 000 сўм ҳамда Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 11-даҳа, 15-уй манзилида жойлашган умумий майдони 80,08 кв.м. бўлган, 7446/029-сонли шахобча, бошланғич нархи – 54 295 000 сўм миқдорида қўйилмоқда.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 11 февраль куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 26 февраль ҳамда 13, 28 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. АТ "Xalqbank" Юнусобод филиали. Ҳ/р: 20208000900757166001. МФО: 00823. СТИР: 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298.

**"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарият иштирокида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида "Очиқ мулоқот куни" ўтказилишини маълум қилади.**

**Бунда банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита мурожаат қилиш имконияти яратилиб, Сизга амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳат ва амалий ёрдамлар берилади.**

**«ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ» ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ:**

| № | Ҳудуд ва филиаллар номи | Учрашув ўтказиладиган жой | Ўтказиладиган сана | Ўтказиладиган вақти |
|---|---|---|---|---|
| | Бошқарма бошлиғи ва ўринбосарлари | | | |
| 1 | Қуйи Чирчиқ | банк биноси | 07.02.2019 й. | соат 10-00 |
| 2 | Чиноз | банк биноси | 21.02.2019 й. | соат 10-00 |
| 3 | Янгийўл | банк биноси | 14.03.2019 й. | соат 10-00 |
| 4 | Бекобод | банк биноси | 28.03.2019 й. | соат 10-00 |
| 5 | Бўка | банк биноси | 11.04.2019 й. | соат 10-00 |
| 6 | Ҳудудий | банк биноси | 25.04.2019 й. | соат 10-00 |
| 7 | Пискент | банк биноси | 09.05.2019 й. | соат 10-00 |
| 8 | Ўрта Чирчиқ | банк биноси | 23.05.2019 й. | соат 10-00 |
| 9 | Юқори Чирчиқ | банк биноси | 13.06.2019 й. | соат 10-00 |
| 10 | Оҳангарон | банк биноси | 27.06.2019 й. | соат 10-00 |

**Маълумот учун тел.: (99871) 244-09-82.**

*"Агробанк" АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти*

**Тошкент вилояти «Тоза ҳудуд» Давлат унитар корхонаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сонли қарори ҳамда туман ва шаҳар ҳокимларининг тегишли қарорларига асосан, 2019 йилдан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб кетиш бўйича Тошкент вилоятида яшовчи аҳолига маҳалла раислари томонидан тасдиқлаб берилган рўйхат бўйича хизмат кўрсатилишини маълум қилади.

**"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"YANGI ANGREN IES" АЖнинг 23.02.2018 йилдаги № 24/67-сонли буюртманомаси ва 08.01.2019 йилдаги № 24/57-сонли хатига асосан қуйидаги кўчмас мулклар очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, "Ёнариқ" МФЙда жойлашган:

1). 0001-литердаги ташқи майдони 941,44 кв.м. бўлган чилангарлик-механика базаси ва механизмларни сақлаш айвони, бошланғич баҳоси - 290 350 000 сўм.

2). 0005-литердаги ташқи майдони 927,50 кв.м. бўлган таъмир-механика устахонаси, бошланғич баҳоси – 303 454 000 сўм.

3). 0006-литердаги ташқи майдони 148,50 кв.м., 0007-литердаги ташқи майдони 307,50 кв.м. бўлган омборхоналар ва электр ускуналарини таъмирлаш устахонаси, бошланғич баҳоси – 159 306 000 сўм.

4). 0013-литердаги ташқи майдони 451,36 кв.м. бўлган бетон қолипларини ясаш устахонаси, бошланғич баҳоси – 149 640 000 сўм.

5). 0026-литердаги ташқи майдони 125,77 кв.м., 0027-литердаги ташқи майдони 338,49 кв.м., 0028-литердаги ташқи майдони 79,56 кв.м. ва 0029-литердаги ташқи майдони 263,55 кв.м. бўлган маиший бинолар, омборхоналар, ишлаб чиқариш биноси ва механизмларни сақлаш айвони, бошланғич баҳоси – 281 792 000 сўм.

6). 0030-литердаги ташқи майдони 567,51 кв.м. бўлган зичланган кислород ишлаб чиқариш биноси, бошланғич баҳоси – 263 290 000 сўм.

7). 0032-литердаги ташқи майдони 422,62 кв.м. бўлган қурилиш бошқармаси маъмурий биноси, бошланғич баҳоси – 429 132 000 сўм.

8). 0015-литердаги ташқи майдони 322,00 кв.м. бўлган изоляция ва қопловчи материаллар сақлаш омбори, бошланғич баҳоси – 108 085 000 сўм.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган:

1). 0001-литердаги ташқи майдони 920,04 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 21,78 кв.м., 0003-литердаги ташқи майдони 235,62 кв.м., 0004-литердаги ташқи майдони 888,00 кв.м. бўлган алоқа бўлими, бошланғич баҳоси – 1 129 223 000 сўм.

2). 0001-литердаги ташқи майдони 241,76 кв.м. ва 0002-литердаги ташқи майдони 443,18 кв.м бўлган музқаймоқ кафеси ва омонат жамғармаси, бошланғич баҳоси – 216 506 000 сўм.

3). 0001-литердаги ташқи майдони 530,61 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 611,42 кв.м., бўлган омонат жамғармаси, бошланғич баҳоси – 360 420 000 сўм.

4). 0001-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0003-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0004-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0005-литердаги ташқи майдони 262,90 кв.м., 0006-литердаги ташқи майдони 21,46 кв.м., 0007-литердаги ташқи майдони 364,10 кв.м. бўлган 76-сонли болалар боғчаси, бошланғич баҳоси – 649 435 000 сўм.

5). 0001-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0003-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0004-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0005-литердаги ташқи майдони 364,00 кв.м. бўлган 74-сонли болалар боғчаси, бошланғич баҳоси – 601 387 000 сўм.

6). 0001-литердаги ташқи майдони 1052,12 кв.м. бўлган 2-сонли 5-қаватли тураржой, бошланғич баҳоси – 2 648 840 000 сўм.

Аукцион ғолиби объект учун тўловларни сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб, 60 кун ичида амалга ошириши лозим.

Аукцион савдолари 2019 йил 12 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Мазкур объектлар 2019 йил 12 февраль куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 19, 26 февраль, 5, 12, 19, 26 март, 2, 9, 16, 23, 30 апрель, 7, 14, 21, 28 май, 4, 11, 18, 25 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади ва такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, (78) 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Электрон почталар:
thaqiqat@umail.uz
th-tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-70-10
Масъул котиб: 71 233-55-38
Бўлим муҳаррирлари 71 233-38-23, 71 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 71 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3012. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 8 524 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.00.

Реклама ўрнида




# Тошкент вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси жамоаси

## аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни



## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни



## билан табриклайди!



**Сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон Миллий армияси жадал ривожланмоқда, унинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги изчил ошиб бормоқда, мамлакатимиз мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти таъминланмоқда.**



**Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат ҳамроҳ бўлсин!**

